УССР Давлат китоб палатаси
Ал18. 30897

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 13 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 62 (6958)

Da'vat

Агар сен керагидан ортиқ билмасанг, унда ҳеч қачон керагича билмайсан.

У. БЛЕЙК.

Ibrat

Беруний номидаги Тошкент техника университети «Бизнес мактаби» талабаларидан 19 кишини хорижий университетларда бакалаврлик касбини эгаллаш учун ўқишга юбормоқда.

ҚОНУН ВА МИЛЛИЙ ДАСТУР ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Жиззах вилояти фаолларининг «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вилоят кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар раҳбарлари, халқ таълими бўлимлари мудирлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Йиғилиш иштирокчилари республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаевнинг «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» лойиҳаси, Олий Мажлис фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодировнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузаларини тингладилар.

Сўзга чиққанлар миллий дастур ва таълим тизимини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Йиғилишда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов қатнашди.

***

Сирдарё вилоят ҳокимлигида ҳам ана шу масалага бағишлаб ўтказилган йиғилишда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, халқ таълими тизими раҳбарлари, лицей ва мактаблар директорлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

Муҳокамада сўзлаганлар иккала лойиҳа хусусида фикр юритиб, улар бир-бирини узвий равишда тўлдириши ва бойитиши, баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиши зарурлигини баён этдилар.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров, республика олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов қатнашди.

***

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ҳам ана шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Республика Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов йиғилиш қатнашчилари олдида маъруза қилиб, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларининг тайёрланиши, уларнинг мақсад ва моҳияти ҳақида сўзлади, миллий анъаналар ва давр талаблари асосида тайёрланган мазкур ҳужжат лойиҳаларининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг бундан буёнги ижтимоий-сиёсий тараққиётида муҳим ўрин эгаллашини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар ҳар иккала ҳужжатнинг айрим бўлим ва моддаларини янада мукаммаллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.

Янги ўқув йилига 19 кун қолди

*** Таълим муассасалари янги ўқув йилига тахтми?**

*** Барча дарсликлар мактабларга етиб бордими?**

*** Янги ўқув йилининг илк сабоғи — Мустақиллик дарсини қандай шаклда ўтказишни белгилаб олдингизми?**

ЯНА ТЕСТ СИНОВЛАРИ

11 август куни республикамиз олий ўқув юртлари аудиториялари ёшларнинг дил ҳароратларидан ҳали совуб улгурмай туриб, яна бир ҳаяжонли дақиқаларга гувоҳ бўлишди. Эндигиси ҳам талабаликка даъвогар йигит-қизларни саралаб олувчи тест синовлари. Фақат бу галгиси сиртқи бўлимларга.



Мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ўқув даргоҳларидан бири бўлган Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида бўлиб, университет қабул комиссиясининг масъул котиби, кимё фанлари доктори, профессор Туйғун Бобоев билан учрашиб, ўтказилаётган тест синовлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Домла, бу йил сиртқи бўлимга қанча талаба қабул қилиш мўлжалланган? Ёшларнинг ўқишга бўлган муносабатидаги ўзгаришлар қабул кўламига таъсир этяптими?

— Бу йил университетимизда сиртқи бўлимлар мавжуд бўлган 7 факультет бўйича 75 ўринга 856 абитуриент ҳужжат топширди. Яна шунча ўринга контракт бўйича 208 йигит-қизларнинг ҳужжати қабул қилинди. Бу қувонарли ҳол, албатта. Негаки кейинги 2-3 йил давомида кузатилган ҳолат, яъни ёшларнинг ўқишга бўлган қизиқишлари сусайишининг барҳам топаётганлиги бу йил анча сезилди.

— Сиртқи бўлимга ҳужжат топшираётганларнинг асосини кимлар ташкил қиляпти?

— Бунда турли ёшдаги йигит-қизлар ўртасида айтарлик фарқ йўқ. Аммо фан йўналишлари бўйича абитуриентлар орасидаги тафовут сезиларлидир. Ёшларда табиий фанларга нисбатан ижтимоий фанларга қизиқиш анча кучли. Лекин, жамият тараққиёти, аввало, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, фан-техника равожланишига асосланади. Улар эса ўз навбатида табиий фанлар негизида вужудга келишини унутмаслик лозим. Табиий фанлар ривожланмас экан, биз орзу қилган тараққиётга эриша олмаймиз.

— Тест ташкилий жиҳатдан қандай ўтди?

— Тест синовларини ўтказиш бўйича Давлат тест маркази ва давлат маъмурий органлари ходимларининг юқори савиядаги хизматлари, шунингдек университетимиздан тайинланган масъул шахсларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли уни юқори даражада ўтди деб ўйлайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Рустам БОЙМАТОВ.

1991 – 1992 ЙИЛЛАР

1991 — 1992 ЙИЛЛАРДА Мамлакатимизнинг жами 4341 нафар педагог ходимлари Давлат ва Халқ таълими вазирлигининг тармоқ мукофотлари билан тақдирландилар. Шу жумладан, Давлат мукофотлари 46 нафарни ва Халқ таълими вазирлигининг тармоқ мукофотлари 4295 нафарни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида таълим фидойиларининг меҳнати қанчалар қадрланишини кўрсатиб турибди.

11 МАРТ 1992 ЙИЛ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига қабулни такомиллаштириш ҳақида»ги Фармони эълон қилинди.

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

2 ИЮЛЬ 1992 ЙИЛ — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

24 АВГУСТ 1992 ЙИЛ — «Педагог ходимлар билан меҳнат шартномалари тузишнинг контракт шаклига ўтиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Унга мувофиқ мамлакат педагоглари ўзларининг касб ва меҳнат муҳофазаларига эришдилар.

1 СЕНТЯБРЬ 1992 ЙИЛ — Тошкент шаҳрида Ўзбекистонда биринчи авиатехника лицейи очилди. Шу кундан бошлаб авиатехника лицейи республикамиз авиациясини ривожлантиришда ўзига хос пойдевор вазифасини ўтай бошлади.

22 ДЕКАБРЬ 1992 ЙИЛ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ўқувчи ва талабаларининг ҳар йилги қишки таътили ҳақида»ги Фармони эълон қилинди.

АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН САҲИФА
2-бет.

СУЗИШ ҲАВЗАСИ ИККИНЧИ ҚАВАТДА
4-бет.

КОИНОТДА АНТИМОДДА МАВЖУДМИ?
4-бет.

МАҚСАД — ИЛМ ЎРГАНИШ

Кеча қирқ нафар ўқувчи бир замонлар улуғ Беруний бобомизнинг закоси ёритган диёр — Америкага жўнаб кетишди. Мақсад — илм ўрганиш...

Ўқувчиларни кузатиш маросими республика ўқувчилар саройида бўлиб ўтди. Йиғилишда республика мактаблар бошқармаси бошлиғи Гуландом Алимова ўқувчиларга махсус совғалар топширар экан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

— Американинг «АКСЕЛС» ташкилоти билан олиб бораётган ҳамкорликларимиз яхши натижалар бермоқда. Шу вақтгача ташкилотнинг ғамхўрлигида 300 га яқин болаларимиз Америкада илм олиб қайтишди. Қувонарлиси шундаки, уларнинг ҳар бири бугун олий ўқув юрти талабаси экан. Мана, бу йил ҳам республика миқёсида ўтказилган инглиз тили баҳсларида ғолиб чиққан 40 нафар ўқувчимиз яна Америкага кетишяпти. Ушбу ғолиблар ҳам аввалгилардек бир йил Америкада таҳсил олиб қайтишади.

Шунингдек, йиғилишда «АКСЕЛС» ташкилоти мутасаддилари, ота-оналар қатнашдилар. Албатта сўзга чиққанлар кўп бўлди, бироқ улар гапининг индаллоси шундай:

— Аввало болаларимизга шу тарзда ғамхўрлик қилаётган юртбошимизга, қолаверса республика Халқ таълими вазирлигига ҳамда «АКСЕЛС» ташкилоти раҳбарларига мингминг раҳмат.

Бизнинг ҳам индалло гапимиз шу!

Алишер НАЗАР.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Мустақиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди, унда Истиқлолнинг 6 йиллигини кенг нишонлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

• Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология институти олимлари — профессорлар Р. Қулматов, Д. Юсупов ва доцент Х. Тўраевлар ҳамкорликда маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан автомобиллар учун арзон ва сифатли тормоз суюқлигини ихтиро қилишди.

• Тожикистонлик муҳожирларнинг ватанларига қайтиши жуда секинлик билан амалга ошмоқда, «иш шу зайлда борса, уларнинг қайтиши учун яна икки йил керак бўлади» демоқда муҳолифат раҳбарларидан бири.

JUMLADA JAHON

• Хитой Марказий Осиёда ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилмоқда — яқинда Хитойни Марказий Осиё билан боғловчи Иркешам йўли очилди.

• Жаҳон банки Кавказорти республикаларига умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларидан кўпроқ кредит ажратди, унинг 70 миллиони Озарбайжон иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, 20,9 миллиони Грузия муниципал ривожланиш лойиҳасини кўллаб-қувватлаш, 10 миллиони Арманистонда соғлиқни сақлаш мақсадлари учун ажратилди.

• Фаластин йўлбошчиси Ёсир Арофот Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқига мурожаат қилиб, Исроил раҳбариятини фаластинликларга нисбатан ўтказаётган зуғумини тўхтатишга ундашни сўради.

Shukrona

САЛОҲИЯТ ТАЯНЧИ

Ватанимиз равнақининг бугуни, эртаси, буюк келажаги мутахассис-кадрларнинг билими, ақл-заковати, ишбилармонлигига боғлиқ. Бу жиҳатдан мамлакатимиз ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам муайян салоҳиятга эга. Чунки у Ибн Синою Фаробийлар, Улуғбегу Бобурлар, Фитрату Ҳабиб Турсуновлар Ватани. Ўзбек муҳандислари яратган ноёб иншоотлар, телевизор каби қурилмалар, олимларининг математика, астрономия, медицина соҳаларидаги буюк кашфиётлари жаҳонни лол қолдирганига ўтмиш ҳам, бугун ҳам гувоҳ.

Ҳозирги кунда Ватанимизда 62 та олий ўқув юрти, шу жумладан 16 та университет, Фанлар академияси, қишлоқ хўжалик академияси, 120 дан зиёд илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакат илмий ходимларининг сони 100 мингдан ортиқ. Улар орасида 160 дан зиёд академик ва мухбир аъзо, 2200 дан ортиқ фан докторлари, 14 минг 600 дан кўпроқ фан номзодлари бор. Ун минглаб муҳандислар, турли соҳанинг олий маълумотли мутахассислари халқ хўжалигида фаолият кўрсатаяпти. Улар мамлакат тараққиётининг суянчи, илм-фан ривожининг таянчи.

Яқин ўтмишдаги «қизил империя»чиларнинг зиёлиларни қатағон қилишлари, таъқиб ва камситишлар ҳам сундиролмади ижодкорликни, бунёдкорликни. «Гавҳар лойга қоришса-да, гавҳар!» деганларидек истеъдодлар униб чиқаберди бу элдан. Фақат Мус-

(Давоми 2-бетда).

Айни кунларда барча ота-оналар, ўқитувчилару ўқувчилар бир тараддуд билан юришибди. У ҳам бўлса, янги ўқув йилига тайёргарлик — барча зарур нарсаларни тахт қилиб қўймоқ керак. Бу борада жойларда ташкил этилаётган «Мактаб бозорлари» барчанинг мушкулини осон қилиши, шубҳасиз. Энг муҳими, мутасадди кишиларимиз «Мактаб бозорлари»ни арзон ва керакли моллар билан таъмин этишда астойдил фаолият кўрсатсалар, бас.

«Мактаб бозорлари» хусусида 3-бетда ўқийсиз.

МММ — ХАБАРЛАРИ

ДАВРА СУҲБАТИ

Яқинда Сирдарё вилояти ХТБ бошлиғи С. Ғуломова Шароф Рашидов туман ХТБ фаоллари билан давра суҳбати ўтказди. Бугунги кундаги таълим соҳасининг муаммо ва вазифалари, яъни кадрлар масаласи, мактабларни дарсликлар билан таъминлаш, уларни таъмирлаш масалалари давра суҳбати қатнашчиларининг диққат марказида турди.

А. БОЙЖИГИТОВ.

МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОР

Ёшларни миллий ғурурли, маънавий баркамол, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш воситаси бўлган маънавият ва маърифат масалаларига юртимизда алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Дарвоқе, яқинда Асака шаҳридаги 4-касб-ҳунар мактабида «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил қилинди. Ўзбекистон мустақиллиги байрами олдидан бу мактаб жамоасига ажойиб туҳфа бўлди-да.

Ш. КЕЛДИЕВ.

МАКТАБЛАР ТАХТ

Хўжайли шаҳар халқ таълими бўлими (мудири Хўжабой Юсупов) ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш борасида ибратли ишларни амалга оширишяпти.

Биринчи августга қадар шаҳардаги барча мактаблар ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Жумладан 2, 15, 16, 17-мактаблар ҳам биринчилар қатори тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказишиб, биринчи қўнғироқни интизорлик билан кутишяпти.

Ғ. ЁҚУБОВ.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Чироқчи туманидаги 90-ўрта мактаб жамоаси ҳам янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўришганликларини намоён қилишди. Яъни мавжуд 23 та синф хонаси, лаборатория ва фан хоналари сифатли таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига ҳозирлаб қўйилди.

1 сентябрь куни меҳнаткашларнинг фарзандлари тоза ва ёруғ синф хоналарида янги ўқув йилининг дастлабки машғулотларини бошлайдилар.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

МММ — ХАБАРЛАРИ

АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ КАЛИТИ

Билимдон, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялаб етиштириш таълим тизимида амалда оширилаётган ҳозирги ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бунинг учун ўқувчининг ривожланишига, унинг ўқишга ҳавасини ортти-радиган воситаларни қидириб топиб, таълим жараёнига татбиқ этиш зарур. Ҳозирги таълим жараёнига яқиндан назар ташлайдиган бўлсак, ўқувчиларга берилаётган билимлар ҳажмининг ошиб бораётганлиги, лекин бу билимларни ўзлаштириб олиш даражаси эса пасаяётганлиги кўзга ташланади.

Ўқувчиларнинг биология фанларидан олаётган билимларининг самарасини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги бир қанча лицейлар ва умумий таълим мактабларида кўп тўғри жавобли тест топшириқлари ёрдамида синов ўтказилди. Синовлар биология чуқур ўқитилаётган 11-синфларда ўқувчиларнинг билими С. Х. Сирожиддинов номли лицей-интернатида 41—75 балл, 1-Тошкент медицина институти қошидаги лицейда 33—41 балл, Қибрай туманидаги ўзбек-турк лицейида 26—34 балл, Оҳангарон шаҳридаги 1 ва 2-ўрта мактабларда 22 ва 46 балл, Тошкент шаҳридаги 1-ўрта мактабда 12 баллга тенг бўлди. Биология чуқур ўқитилмайдиган синфларда ўқувчиларнинг билими янада паст. Масалан, 102 ва 41-ўрта мактабларнинг 11-синфларида бу кўрсаткич синфлар бўйича 3,5—5 баллга тенг бўлса, айрим синфларда синовдан ўтган ўқувчилардан 44—55 фойизининг билими 0 балл билан баҳоланди. Бу далиллар биология таълимининг самараси анчайин ночор бўлиб қолганлигини, ижтимоий-тарихий билимлар билан ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлари ҳажми ўртасида зиддият вужудга келганлигини кўрсатади.

Маълумкин, асосан ўқитувчининг меҳнатига асосланган таълим жараёни ўқувчиларнинг билим олишини фаол ташкил этишга имкон бермайди. Шу сабабли ўқувчиларнинг ўқишга ҳавасининг ортишига ёрдам берадиган, уларнинг ўз қобилияти ва имкониятларини ривожлантириб боришга, яъни фаол билим олишга ундайдиган воситаларни ишлаб чиқиб, таълим жараёнига татбиқ қилиш лозим. Ана шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчининг синфда ва синфдан ташқари бажарадиган ишларига, яъни билим ўрганиш борасидаги барча фаолиятига баҳо берадиган рейтинг тизимини татбиқ этилиши таълим жараёнини такомиллаштириш учун катта имконият очиб беради. Лекин рейтинг тизимининг асосий мақсади билимни баҳолашда тасодифий омиллар таъсирига чек қўйиш ва ўқувчиларнинг билимга бўлган талабини оширишдан иборат бўлиб, улар билим олишни енгиллаштиришга имкон бермайди. Шундай экан, камроқ вақт сарф қилиб, чуқурроқ билим олишга имкон берадиган воситаларни ишлаб чиқиб, ўқув жараёнига татбиқ этиш зарур.

Кўп тўғри жавобли тестларнинг ишлаб чиқилиши ана шундай воситалардан бири бўлиши мумкин. Қуйида зоология фани бўйича билим ўргатадиган кўп тўғри жавобли тест топшириқларининг асосий шакллари ва уларни рейтинг тизимида фойдаланиш усулларини келтирамиз.

Кўп тўғри жаврбли тест топшириқларида бериладиган жавоблар топшириқ саволининг мазмунини тўлиқ очиб беришга қаратилган бўлганидан уларнинг сони чекланмайди. Топшириқларнинг мазмунига биноан уларнинг сони иккитадан ўнтагача ёки ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Бундай топшириқларнинг қуйидаги тўрт хили мавжуд:

1. Танлов жавобли топшириқлар тенг миқдордаги тўғри ва сохта жавоблардан ташкил топади. Масалан: 1.1 Хивчинлилар синфига мансуб бўлган ҳайвонларни аниқланг:

А — эвглена, Б — туфелька, В — амёба, 1—вольвокс.

Тўғри жавоблар: А, Г.

2. Мувофиқликни аниқловчи топшириқларда келтирилган жавобларнинг бир қисми ўша топшириқнинг ўзига, қолган қисми бошқасига тегишли бўлади. Масалан:

2.1. Чумчуқсимонлар туркумига мансуб қушларни кўрсатинг:

А — қарға, Б — ўрдак, В — каптар, Г — бедана, Д — каклик, Е — мусича. Тўғри жавоблар: А. В. Е.

2.2. Товуқсимонлар туркумига мансуб қушларни аниқланг: (2.1 — топшириққа қаранг). Тўғри жавоблар: Б. Г. Д.

3. Тўғри кетма-кетликни аниқлашга мўлжалланган топшириқлар. Масалан: 3.1. Сут эмизувчиларда қоннинг кичик қон айланиш доираси бўйлаб ҳаракатланиш тартибини кўрсатинг:

А — ўпка артерияси, Б — ўпка венаси, В — ўнг юрак қоринчаси, Г — ўпка капиллярлар, Д — ўнг юрак бўлмаси.

Тўғри жавоб: 1—В, 2—А, 3—Б, 4—Г, 5—Д.

Кўп тўғри жавобли тестлар ҳар дарс мавзуси бўйича алоҳида тузиб чиқилади ва дарсдан сўнг ўқувчиларга мустақил ўқиш учун уйга вазифа сифатида топширилади. Ўқувчилар уйда топшириқларни дарслик ёрдамида ўрганиб, тест-конспект тузиб келишади. Конспектда дарс мавзуси, топшириқ саволлари ва уларга мос келадиган тўғри жавоблар кўрсатилади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини улар уйда ёзган тест конспект асосида ёки мустақил ўқиш учун уйга вазифа қилиб берилган топшириқлар асосида тузилган назорат тести орқали баҳолаши мумкин. Назорат тести мустақил ўқиш учун мўлжалланган тестга айнан ўхшаш бўлмаслиги, ундан топшириқлар ва уларнинг тартиби билан фарқ қилиши лозим. Ўқувчилар сони 12-15 дан ортиқ бўлиб, ўқувчи ёнма-ён ўтириладиган ҳолларда назорат тестнинг икки хил варианти асосида ўтказилади. Назорат вақти қатъий чекланган бўлиб, одатда тестдаги ҳар бир тўғри жавоб учун 20 секундни ташкил этади. Дарс материаллари анча кўп бўлиб, назорат учун ажратилган вақт етарли бўлмаганида тестдаги ўқувчилар жавоб бериши лозим бўлган топшириқлар сони қисқартирилиши мумкин.

Ўқувчиларнинг билими қуйидаги формула ёрдамида баҳоланади:

$$X = \frac{C-E\ (a+b)}{C} \cdot 100$$

Формуладаги С — тестдаги тўғри жавобларнинг умумий сонини, а ва в ҳар бир топшириқ бўйича ўқувчи нотўғри кўрсатган жавоблар ва у кўрсата олмаган тўғри жавоблар сонини, Е белгиси эса (a+b) нинг йиғиндисини билдиради. Назорат тестлари махсус тест-назорат дафтарида бажарилади ва махсус шкафда сақланади.

Ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида тест натижаларини баҳолашни уларнинг ўзларига топшириш мумкин. Бунинг учун ўқувчилардан топшириқларнинг жавобларини алфавит тартибда, бир хил ораликда ёзма бош ҳарфлар билан ёзиш талаб қилинади. Тестларга ажратилган вақт тамом бўлиши билан ўқитувчи дафтарларни йиғиб олади ва ўқувчи ёзган жавобларни тик ўтказилган синиқ чизиқ орқали варақнинг бўш қолган қисмидан чегаралаб қўяди. Ана шундан сўнг назорат дафтарлари ўқувчиларга тарқатиб берилади ва тестларнинг тўғри жавоблари ўқиб эшиттирилади, ўқувчилар эса ўзлари кўрсатган нотўғри жавобларни ҳалқа ичига олишади, аниқланмаган тўғри жавобларни эса тик чизиқнинг ўнг томонига ёзиб қўйишади. Тест жавобининг натижасини юқорида келтирилган формула ёрдамида ўқувчиларнинг ўзлари ҳисоблаб чиқишади.

Кўп тўғри жавобли топшириқли тестлар бўйича билимни баҳолаш мезони топшириқларнинг қийинлик даражасига боғлиқ. Қийинлик даражаси 0,5 га яқин (ўртача кўрсаткич 50 фоиз) бўлган тестларда 40-60 балл учун «уч», 61-80 балл учун «тўрт», 81 баллдан юқори кўрсаткич учун «беш» баҳо қўйиш мумкин.

Ўқувчиларнинг бир маромда билим олишини ташкил этиш ва улар билимини мунтазам назорат қилиб бориш рейтинг тизимини оғишмай амалга ошириш билан боғлиқ. Ўқиш жараёнида кенг татбиқ қилинаётган уч босқичли рейтинг тизими жорий, оралиқ ва якуний назоратлардан иборат бўлади. Ўқувчиларнинг ҳар бир ўқув фани бўйича рейтинги унинг жорий, оралиқ ва якуний назоратларда тўплаган баллари йиғиндисидан ёки уларнинг ўртача қийматидан иборатдир.

Биология фанларидан ўтказиладиган жорий назоратларга барча мавзулар бўйича тузилган тест топшириқлари, оғзаки сўровлар, ёзма назорат ишлари, ҳикоя, табиатда ёки лабораторияда олиб бориладиган ишларни киритиш мумкин. Жорий назоратга ўқувчи ўқув йили давомида тўплаши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизи ажратилади.

Оралиқ назоратлар ўқувчининг дастурдаги йирик мавзулар бўйича олган билимини баҳолашдан иборат. Оралиқ назорат одатда тест назорат орқали баҳоланади. Унга ўқувчи ўқув йили давомида йиғиш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизи ажратилади. Бундай назорат ҳар бир чоракнинг ўртасида ва охирги ҳафтасида ўтказилиши лозим.

Якуний назорат ўқувчини ўқув йили давомида олган билимларини баҳолашдан иборат. У тест топшириқлари асосида ўтказилади. Назоратнинг бу турига ўқувчининг ўқув йили давомида тўплаши мумкин бўлган балларнинг 15 фоизи ажратилади.

Рейтинг тизимида баллар предметга ўқув йили давомида ажратилган ўқув соатлари асосида ёки 100 балл ҳисобидан белгиланади. Масалан, 8-синфда зоология ўқув фанини ўқитиш учун 68 соат ажратилганидан жорий назорат учун 36, оралиқ назорат учун 20, якуний назорат учун 12 балл ажратилади.

Кўп тўғри жавобли тестларни ишлаб чиқиб, рейтинг тизимига жорий этилиши ўқувчиларни мустақил билим олишини енгиллаштиришга, уларни ўқув йили давомида бир маромда билим олишга ундайди, мустақил билим олишни программалаштириш учун замин тайёрлайди.

О. МАВЛОНОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти зоология кафедраси мудири, профессор,
З. МАТЁҚУБОВА,
ЎзПФИТИ кимё, биология, география ва иқтисодиёт таълими назарияси ва методикаси бўлими илмий ходими.

Tajriba, sinov, natija

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ КАСБ-ҲУНАР

Ёшларнинг келгуси ҳаётда ўз ўрниларини топишларида, жамият манфаатларига хизмат қиладиган касб-ҳунарларни танлаб олишларида ва келгусида ўзлари танлаган соҳаларнинг етук соҳиблари бўлиб шаклланишларида халқ таълими тизими ходимлари, хусусан, мактаб раҳбарлари асосий ўринни эгаллайди. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар рўёбга чиқарилаётган бугунги кунда мактаб раҳбарлари билан ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишда янгича ёндашишлар, ташаббускорликлар юзага чиқмоқда. Зотан, халқ таълими муассасаларида ташаббускорлик ва моҳирлик ҳамда чидам билан раҳбарлик қилингандагина таълим-тарбия ишларида кўзда тутилган мақсадга, натижага эришилади.

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги 45-ихтисослашган мактаб-мажмуа директори Тинчивой Пўлатовни ҳам ташаббускор, фидойи раҳбарлар сирасини киритиш мумкин. У раҳбарлик қилаётган мактаб-мажмуада болалар 5-6 ёшидан тасвирий ва амалий санъатни, халқ ҳунармандчилиги асосларини ўргатишга ихтисослашган. Мажмуада ўғил-қизларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган боғча ҳам бор. Бу билим масканида болалар 1-синфдан бошлаб 9-синфгача асосан икки йўналишда: 1) ақлий-ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, 2) ижодкорлик — бошланғич касб-ҳунар асосларини ўрганадилар, таълим оладилар. Мактаб-мажмуада болаларнинг ақлий-ижодкорлик қобилиятларини умумтаълим фанларини чуқурлаштириб ўргатиш асосида, кўпроқ мустақил топшириқларни бажариш орқали амалга оширилса, ижодкорлик — касб, ҳунар асосларини эгаллаш эса, тасвирий ва амалий безак санъати ҳамда халқ ҳунармандчилигининг 6 хил йўналишини ўрганиш орқали амалга оширилади. Иккинчи йўналиш — мусаввирлик-рассомчилик, миниатюра санъати, наққошлик, каштачилик, миллий кийимларни тикиш ва безаш, ёғоч ўймакорлиги асосларини ўрганиш асосида бажарилади.

Мактаб-мажмуадаги ҳар иккала йўналишда ҳам ўқув-тарбиявий фаолиятнинг мақсади акс этган. Мактаб-мажмуанинг асли катталар таълим маркази асосида ташкил топди. Давр талаби асосида директор Т. Пўлатов ташаббуси билан у янада ривожлантирилди. Юқори синфларда ўқув педагогик таълим ва касб-ҳунар ўргатилишга мазмунан йўналтирилди ва 10, 11, 12, 13, 14-синфлардаги таълим-тарбия жараёнида мақсад юзага чиқди. 10-12-синфлардаги таълим лицей таълими кўринишида берилиб, бир томондан аниқ фанларни чуқур ўзлаштирган ўқувчиларнинг ўзлари танлаган олий ўқув юртларига киришлари имконини яратса, иккинчи томондан, улар тасвирий ва амалий безак санъатининг, халқ ҳунармандчилигининг 6 хил йўналишдан бирортаси бўйича чуқур билим, мустаҳкам кўникма ва малакаларга эга бўлдилар. Битирувчилар зарурий синовлардан ўтказилгач, касб-кор бўйича тегишли ҳужжатга (умумтаълим гувоҳномаси билан биргаликда) эга бўладилар. Эгаллаган касблари ёшларга келгуси ҳаётларида, уй-рўзғор, оила тебратишларида, умуман жамиятда ўз ўринларини топиб кетишларига кенг имкониятлар яратади.

Мактаб-мажмуанинг 12-синфини тугатган ёшлардан педагогик фаолиятга қобилиятлилари 13-14-синфлардаги тарбиячи-педагогликка ихтисослашган навбатдаги таълим босқичига махсус танлов асосида қабул қилинадилар. Педагог-тарбиячилик бўйича икки ярим-уч йиллик тайёргарлик босқичини ўтган, ёшлар тегишли мазмундаги ҳужжат-дипломни олишгач, халқ таълимининг мактабгача тарбия бўғинида — тарбиячи, бошланғич синфларнинг 1-2-синфларида ўқитувчи-тарбиячи бўлиб ишлаш бўйича билим, кўникма ва малакасига эга бўладилар. Хоҳловчилар эса ўз касбий маҳоратларини янада такомиллаштириш учун педагогика олий ўқув юртларининг «Мактабгача тарбия методикаси», «Бошланғич таълим методикаси», «Педагогика ва психология» бўлимларига ҳужжат топширишлари мумкин.

— Мактаб-мажмуамизнинг педагог-тарбиячилик ихтисослиги бўйича тугатган мутахассисларининг асосий қисми халқ таълими тизимида муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Педагогика институтига қабул қилинган 2 нафар битирувчимиз эса олий ўқув юрти илмий кенгаши қарори билан экстернат типидаги ўқишга, яъни бирданига 3-курсга қабул қилинди, — дейди фахр билан Тинчибой Пўлатов.

Ғайратли раҳбар, моҳир педагог Тинчибой ака қўлга киритилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, таълим-тарбия ишини такомиллаштириш йўлларини қидирмоқда. Мактаб-мажмуада гиламчилик цехи, ёғоч ва металл буюмларни тайёрлайдиган, ўймакорлик безак ишловини берадиган цех, миллий кийимлар тайёрлаш ва безаш цехи, миллий усулда безатилган, чуқур мазмунга эга музей, болаларнинг меҳнатроҳат оромгоҳи кабиларнинг юзага келиши ана шу изланишлар самарасидир.

Собир Раҳимов туманидаги 45-мактаб-мажмуа лицейи жамоасининг иш тажрибасидан кўринадики, болаларни ҳаётга, маълум касб-ҳунарга тайёрлашда қуйидаги омиллар етакчи ўрин эгаллаши лозим:

1. Болаларни ёшлигидан, 5-6 ёшидан бошлаб то 18-19 ёшгача маълум бир педагогик жамоада аниқ белгиланган мақсад асосида ўқитиш, тарбиялаш самарали натижалар беради.

2. Педагогик жамоанинг аниқ натижаларга эришишида фидойилик, ташаббускорлик Президентимиз И. А. Каримовнинг «Элим, деб юртим деб, ёниб яшамоқ лозим» деган чақириқларига уйғунлашган бўлиши лозим.

3. Шароит етарли жойларда, умумтаълим мактаблари асосига яқин болалар боғчалари, ихтисослаштирилган лицейлар, касб-ҳунар ўргатишга йўналтирилган махсус билим юртларини, коллежларни бирлаштириб умумтаълим ва ихтисослашган таълим марказлари ташкил этиш мумкин.

4. Болаларнинг мақсадли таълим-тарбия, касб-ҳунар эгаллашларида халқ таълими муассасалари, давлат ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналари, ота-оналар, маҳалла-жамоатчилик ва ҳокимиятнинг мустаҳкам ҳамкорлиги яратилсагина самарали натижаларга эришиш мумкин.

Ўйлаймизки, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури яралаётган ва айни пайтда янги типдаги миллий ўзбек мактабига асос солинаётган бугунги кунда таълим тизимимиздаги илғор тажрибаларни кенг қўллашга ҳам эътибор қаратилади.

Б. МУРАНОВ,
ЎзПФИТИ докторанти.

Litsey sinflarida

ЙЎНАЛИШЛИ ЎҚУВ: КИМЁ ИЛМИ

Ҳозирги кунда жисмонан соғлом, ақлан етук, фан асосларини тўла эгаллаган ва умуминсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган авлодни тарбиялашда лицейларнинг аҳамияти кундан-кунга ортиб бораётгани сир эмас. Кимё ва биология йўналишидаги лицей синфларини очиш учун мактабдаги ўқув база тўлиқ бўлиши керак. Кимё хонаси ва унда олиб бориладиган дарс ва амалий машғулотлар (лаборатория ишлари, ўқувчиларнинг турли мустақил ишлари ва бошқалар)ни бажаришлари учун тўлиқ жавоб бериши билан бошқа мактаблардан ажралиб туриши керак. Шунингдек, кимё фани ўқитувчисидан ҳам юқори даражадаги билим савиясига эга бўлиши талаб қилинади. Бу йўналишдаги лицей синфлар у ёки бу олий ўқув юртининг кафедра ўқитувчилари билан ҳамкорликда таълим-тарбия ишларини олиб бориши ҳам мақсадга мувофиқдир. Кимё таълими йўналишидаги лицей синфларга кимё ва биологияни яхши биладиган ва қизиқкан ўқувчилар танлов йўли билан қабул қилинади.

Лицей синфлардаги таълим ва тарбиянинг мақсад ва вазифаси ўқувчиларга кимё фани асосларидан пухта билим бериш орқали ўқувчилар фаоллигини ошириш, танланган мутахассисликка оид тегишли олий ўқув юртларига кирувчи талабалар тайёрлашдан иборат. Бу йўналишдаги синфларда ўқувчилар асосан 10 ва 11-синфларда кимё асосларини чуқур ўрганадилар. Ўқув материаллари умумий ўрта таълим мактабларини кимё дастуридаги ўқув материалларини тўлиқ ўз ичига олган ҳолда янада кенгроқ ва чуқурроқ илм ўргатишни кўзда тутади. Бунда умумий ўрта таълим мактабларининг кимё дастуридаги ўрганилиши лозим бўлган бўлим ва унга тегишли мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқиб, қўшимча материаллар киритилади. Бу қўшимча ўқув материалларини танлашда ўқувчиларнинг қобилиятлари ҳисобга олиниб, дидактик тамойилларга амал қилган ҳолда назарий билим ва амалий кўникма ҳамда малака ҳосил қилишга эътибор қаратилади. Шунингдек, кимё таълими жараёнида мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқиб, кимё фанининг ривожланиши ва унинг истиқболлари, бу истиқболларни жамиятдаги ишлаб чиқариш тармоқларида ва хўжаликдаги аҳамиятини ўқувчиларга англатишга ҳаракат қилинади. Шу сабабли кимё таълими календарь-мавзули режасида лаборатория ишлари, амалий машғулотлар, турли мустақил ишлар, умумлаштирувчи дарслар, экскурсияларга ажратилган соатлар бирмунча купроқ бўлишини тақозо қилади. 10-11-синфларда кимё фанидан дарс соати ҳафтасига 6 соатдан ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар моддалар ва уларнинг тузилиши, уларнинг физик ва кимёвий хоссалари, табиатда учраши, уларнинг бирикмалари, табиий хом ашё сифатида ишлатилиши, кимёвий жараёнлар назарияси ва қонунлари, реакцияларнинг турлари ва уларнинг юзага келишида ташқи омилларнинг таъсири тушунчаларини анорганик ва органик кимё курслари бўйича эгаллайдилар.

Маълумки, ҳозирги кунда барча соҳаларда малакали мутахассислар етиштириб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш соҳасидаги тадбирларни муваффақиятли амалга оширишда мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Бу масалани ҳал қилишда дастлабки босқич бўлган қишлоқ мактабларидаги кимё йўналишидаги лицейларда ўқувчиларга мазкур фан асослари юзасидан тегишли билим бериш ва амалий малакалар ҳосил қилиш билан бирга қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш масаласига ҳам эътибор берилиши кўзда тутилади. Бунинг учун ўқув материаллари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тушунчалари билан боғланган ҳолда бўлиши керак.

Шунингдек, кимё асосларини ўқувчиларга ўргатиш жараёнида уларда ахлоқий, меҳнат, эстетик, экологик ва бошқа тарбияларни шакллантириб бориш талаб қилинади. Айниқса, ҳозирги кунги долзарб масалалардан ҳисобланган ахлоқий тарбияни шакллантириш, ўтилиши лозим бўлган мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқиб, экологик тарбияни шакллантириш, ёшларни табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялаш асосий мақсад қилиб олинмоғи керак.

Кейинги йилларда турли йўналишдаги лицей синфлар қатори кимё-биология, кимё йўналишидаги лицей синфларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби, лицей синфларини битирган ўқувчиларни билим даражалари юқори бўлганлиги сабабли олий ўқув юртларида кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтмоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 273-мактаб кимё-биология йўналишидаги лицей синфи тиббиет гуруҳини 1994/95 ўқув йилида 46 нафар ўқувчи битирган бўлса, улардан 26 нафари тиббиет, 4 нафари фармацевтика, 4 нафари педагогика институтига, 4 нафари тиббиет техникумига ўқишга киришга муяссар бўлди. 1995/96 ўқув йили шу синфни 50 ўқувчи битирган бўлса, улардан 44 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 25-мактабни аграр хўжалик олий ўқув юрти қошида очилган лицей синфини 1994/95 ўқув йили битирган ўқувчиларнинг 85 фоизи, 1995/96 ўқув йили битирган 28 ўқувчидан 25 нафари ўқишга кирганлар. Бу далиллар кимё-биология йўналишидаги лицей синфларни битирган ўқувчиларгина эмас, балки бошқа йўналишлардаги лицей синфларнинг битирувчи ўқувчилар курсаткичи ҳам анча юқори эканлигини исботлайди. Ўйлаймизки, лицей синфларни битирган ва келгусида битирадиган ўқувчилардан замон талабига жавоб берадиган мутахассислар етишиб чиқади.

Х. ШОКИРОВ.

Анъанавий Август кенгашларига бағишланган ушбу саҳифа Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан тайёрланди.

Yangi turdagi ta'lim muassasalari

ГИМНАЗИЯЛАР ҲАҚИДА ГАП БОРСА...

Бугунги кунга келиб гимназия синфларини очиш кенг ёйилиб бормоқда. Хўш! Гимназия қандай ўқув муассасаси, унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Дастлабки гимназия 1538 йилда Страсбург шаҳрида очилган бўлиб, у гуманитар филологик йўналишга ихтисослашган бошланғич таълим муассасаси эди. Гимназиялар қадимда Юнонистон ва Шаркда кенг тарқалган. Маълумки, бу типдаги бошланғич таълим муассасаларида асосан жамиятдаги юқори табақага мансуб одамларнинг болалари таҳсил кўрган. Шу сабабдан бўлса керак, Қадим Шаркда ва Юнонистонда нафис сўз санъати, сўз зукколиги, юксак саводхонлик ва шеърият жуда кенг ривожланган. Чунки бу типдаги мактабларда асосан тил, ёзув илми, бадиий адабиёт мутолааси ўргатилган.

XIX асрдан бошлаб эса гимназиялар ўғил болаларга мўлжалланган бошланғич таълим муассасаси сифатида Австрия, Венгрия, Болгария, Германия, Голландия, Греция, Дания, Сербия, Россия, Швецария каби давлатларда фаолият кўрсата бошлаган.

Турли мамлакатларда жамиятнинг тараққиёти билан боғлиқ тарзда классик характердаги гимназияларнинг бир ёқлама, амалий турмушдан узилиб қолган фаолиятига нисбатан танқидий нуқтаи назар шакланди. Бундай танқидий қараш ўз навбатида (реал) аниқ ўқув юртларининг ташкил топишига асос бўлди. Бу ўқув юртларида энди қадимий тиллар ўрнига замонавий адабий тиллар ўргатила бошланди. Табиий соҳага оид ўқув предметларини ҳамда математикани ўқитиш бир қадар кучайтирилди. XIX асрда аниқ (реал) гимназия ташкил топди. Бу гимназиянинг характерли жиҳати шунда эдики, унда қадимги грек тили ўргатилмас эди. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошига келиб классик характердаги гимназиялар гарчанд камроқ эътиборни торта бошлаган бўлса ҳам, классизм бошланғич таълим муассасаларининг характерини белгиловчи асосий мезон бўлиб қолди. Русияда эса биринчи гимназия 1725 йилда Петербург шаҳрида очилган эди. Кейинчалик бундай гимназиялар Москва ва бошқа кўпгина шаҳарларда ташкил топди. Лекин бу гимназиялар ишини ягона тизимга солувчи низом, ўқув режаси ва муайян ўқув дастурлари йўқ эди. Фақатгина 1804 йилга келиб, гимназияларнинг ягона низоми қабул қилинди.

Йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиёт билан боғлиқ тарзда гимназияларда табиий соҳага оид ўқув предметлари, фалсафа, иқтисод, назарий ва амалий грамматика каби кўпгина ўқув предметлари ўргатилиб келинди. Ҳаттоки, баъзи даврларда фалсафа ҳамда сиёсий иқтисод каби ўқув предметлари ўқувчиларнинг эркин ва мустақил ижодий фикрлаш фаолиятларини ривожлантириш мақсадида ўқув режасидан чиқариб ҳам ташланди. Лекин, гимназияларнинг ўқув режасида тил таълими барча даврларда етакчи ўқув предмети бўлиб қоларди. XIX асрнинг иккинчи ярмида гимназияларда 39 соатдан 58 соатгача тил ўргатилган ёки иқтимоий соҳага оид ўқув предметлари учун 138 соат ажратилган ҳолда, табиий соҳага оид ўқув предметлари учун атиги 62 соат вақт ажратилган. Чунки инсон руҳияти, дунёқараши ва маънавиятини шакллантиришда тафаккури ва коммуникатив саводхонлик даражасини ривожлантиришда тил таълимининг моҳияти беқиёсдир.

Мустақиллик туфайли бизнинг республикамизда ҳам гимназияларга интилиш кучайди. Бу интилишнинг асл моҳияти нимада, деган ҳақли савол туғилади. Шунчаки янги типдаги ўқув муассасаларини ташкил этиш ҳавасими ёки сиёсий, ижтимоий, иқтисодий заруриятми?!

Бугунги кунда педагогика фани олдида муҳим вазифалардан бири гимназияларни ташкил этишга бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий заруриятнинг вужудга келиши, бу заруриятнинг кўлами ҳамда шу зарурият билан боғлиқ тарзда гимназия ва гимназияда таҳсил оладиган ўқувчиларнинг таълим натижасида ҳосил қилган билим, кўникма ва малакаларига давлат томонидан қўйиладиган талабларни аниқ белгилаб беришдан иборат. Буни белгилаб бермасдан туриб, республикамиз ҳудудида ташкил этилган ва ташкил этилаётган гимназияларнинг ягона низоми, ўқув режаси, ўқув дастурлари ва бошқа ўқув-методик адабиётлар мажмуини яратиш мумкин эмас.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги пайтда республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган ва ўқув муассасаси сифатида фаолият кўрсатаётган гимназияларга нутқи, фикрлаш даражаси, идрок кучи бир қадар ривожланган иқтидорли болалар қабул қилиниб, амалдаги ўқув режаси асосида ташкил қилинадиган дарслар, мавжуд ўқув дастурлари ва дарслик материалларини қисқа муддатда ўргатишга асосланган ҳолда гимназиялар фаолияти ташкил қилинмоқда. Ваҳоланки, том маънодаги гимназияларга ўқувчиларни қабул қилиш жараёнида махсус педагогик диагностика ўтказилиб, ўқувчиларни худди мана шу диагностика натижаларига таянган ҳолда қабул қилиш зарур, шу билан бирга уларда гимназиялар учун тузилган муайян ўқув режасига асосланган ҳолда белгилаб берилган дастур ва дарсликлар асосида таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш лозим. Бунинг учун педагогика назарияси ҳамда хусусий методика фанларида бир қатор илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундан кўзланган мақсад эса мавжуд гимназиялар учун давлат ва жамият эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ягона низом ва давлат ўқув режасини белгилаб беришдан; гимназия типидаги бошланғич мактабларда амалга ошириладиган таълим мазмуни, даражалари ҳамда воситаларини аниқлашдан; гимназиялар учун ўқув-методик адабиётлар мажмуининг мазмунини белгилаш каби ишларни адо этишдан иборат.

Бу мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган гимназиялар ишини самарали ташкил этиш ҳамда ушбу ўқув муассасаларида таълим натижасининг сифатини ошириш имконини беради.

Р. САФАРОВА,
ЎзПФИТИ катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

САЛОҲИЯТ ТАЯНЧИ

(Боши 1-бетда).

тақилликкина кенг йўл очди уларга — эрк берди, истеъдодингни кўрсат, — деди.

Мустақил давлатимизнинг мутахассис кадрлар салоҳиятига алоҳида эътибори, Президентимизнинг бу соҳадаги Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари, соҳа кишиларининг бозор иқтисоди шароитида ижтимоий ҳимоялаш, қадрлаш ва эъзозлаш — буларнинг ҳамма-ҳаммаси ғамхўрлик далолатномаларидир. Энди ўзбек олими чет элларда лекция ўқимоқда, энди ўзбек ўғил-қизлари хорижий мамлакатлар ўқув юртларида таълим олмоқда... Эртани кўзлаган эзгу ишлар шу эмасми?!

«Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги ва уни янада такомиллаштириш учун қайта кўриб чиқилаётганлиги, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ишлаб чиқилаётганлиги — ўзбек илм-фан салоҳиятининг беқиёс ўсишига, жаҳонга кенг қамров билан чиқишига кафолатдир. Бу дастуриламал ҳужжатлар мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кадрлар тайёрлашда ҳам туб янгиликлар юзага чиқаради. Чунончи илгари давлатимизда 600 га яқин мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланарди. Шунча ихтисосликлар Ўзбекистонга керакми? Йўқ, албатта. 250—300 га яқин мутахассислик мамлакат эҳтиёжини қондиради бугун. Фақат улар мустақил фикрлаши, эгаллаган ихтисосини чуқур билиши билан бирга турдош ихтисосларда ҳам бемалол ишлай олиши зарур. Ана шуни назарда тутиб ўқув юртларида таълим йўналиши 103 тага, мутахассислар эса 285 тага келтирилди. Дунё андозаларига тўғри келадиган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, амалга кенг жорий қилинаётир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлари билан суҳбатда бўлсангиз, олам-олам янгиликларни айтишадики, беихтиёр қалбингиз қувончга тўлади.

Ватанимиз таълим тизимида рўй бераётган янгиликлар кўп: янги технология, янги дастур, янги дарслик, янги қўлланмалар, таълимнинг янги техникавий воситалари, таълим усуллари, тестлар, мутахассис тайёрлашдаги даражалар (бакалавр, магистр) ва бошқалар.

Умуман, таълим соҳасидаги туб ислоҳотлар эртанги ўзбек миллий мактаби шуҳратидан, илм-фан тараққиётининг жадаллашувидан, келажаги буюк мамлакатимизнинг салоҳият таянчлари қудратидан дарак бераётгандек туюлади. Истиқлолимизнинг бундай инъомларидан қалб шодликка тўлиб, ғурур ва сурур бахш этади кишига.

Маҳкам РАҲМОНОВ.

Собиржон МАҲМУДОВ:
«МАКТАБ ЛИБОСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРА ОЛАМИЗ»

Суҳбатдошимиз Собиржон ака Маҳмудов — тадбиркор инсон. 37 йилдан ёки бошқачароқ қилиб айтсак, эсини танигандан буён савдо соҳасида хизмат қилади. Шаҳар ва мамлакат миқёсида, жумладан хорижда ҳам ишлаб, савдонинг ҳадисини олган. Айни пайтда республика «Маданий моллари» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси лавозимида ишлайди. Дарвоқе, у киши билан қилган суҳбатимиз ҳам мана шу жамият фаолияти билан боғлиқ бўлди.

— Собиржон ака, сиз бошчилик қилаётган республика «Маданий моллари» ҳиссадорлик жамияти савдо соҳасида ўз нуфузига эга бўлган, йирик ташкилотлардан бири саналади. Айтингчи, жамиятнинг бугунги фаолияти қандай? Жамият бугунги бозор шароитида ўзига тўғри йўл танлай билдими?

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, ўйлайманки, фақат ижобий томонга юз бураяпти. Давлатимиз тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Бу тараққиёт ва эркин бозор шароити барча ишлаб чиқарувчилар ва савдо қилувчилар қатори биздан ҳам суръат ва сифат талаб қилмоқда. Жамиятимиз аъзолари буни яхши англаган ҳолда, тез суръатда ўсаётган республика ривожидан орқада қолиб кетмаслик, унинг бозорини керакли ва сифатли моллар билан ўз имкониятлари қадар таъминлаш учун чин дилдан ҳаракат қилишмоқда. Бунинг учун мол тарқатиш бўйича республикамизнинг деярли барча вилоятларида мавжуд бўлган базаларимизда ишлар яхши йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги фаолияти кўнгилдагидай кечмоқда.

— Нима деб ўйлайсиз, мамлакатимизда маданий молларга бўлган талаб бир оз сусайдими, дейман...

— Йўқ, аксинча. Одамлар сўнгги пайтда ўз пулларини кўпроқ озиқ-овқат ва кийим-кечакларга сарфлаётгандай туюлса-да, аслида бундай эмас. Бизнинг харидорларимиз асосан илм истаган кишилар, маданият ихлосмандларидир. Илм талаб кишилар эса ҳар бир замонда ҳам топилади. Оддий қаламдир, дафтардир... уларга зарур нарсаларни етказиб бераётганимиз — биз учун кўнгилли иш.

Харидорларда одатда арзон ва сифатли нарсалар сотиб олиш иштиёқи бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда турли жойлар билан шартномалар тузиб, харидорлар талабига мос товарлар келтиришга ҳаракат қиламиз. Биздаги бозордагидан кўра анча арзон ҳамда ишочли товарлар харидорларимизнинг доимийлигини таъминламоқда.

— Харидоргир маҳсулот то пештахта устига етиб келгунча заҳматли меҳнат талаб қилади. Пештахтанинг доимий тўкислигини таъминлаш учун қандай ишлар қилинаяпти?

— Тўғри таъкидладингиз. Харидорлар истаган нарсани то уларга етказиб бергунча елиб-югуришга, изланишга тўғри келади. Бу борада мамлакатимизнинг бир қанча кўзга кўринган ташкилоту корхоналари, шунингдек, Жанубий Корея ишбилармонлари билан йўлга қўйган ҳамкорлик алоқаларимиз мушкулимизни осон қилмоқда. Бундан ташқари бошқалардан тайёр маҳсулот кутиш билан чекланиб қолмасдан, ўзимиз ҳам ишлаб чиқариш билан тобора кенгроқ шуғулланяпмиз. Ишлаб чиқариш цехимизда турли-туман болалар кийимлари тикилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш зарурки, буюртма асосида мактаб формаларини ҳам тайёрлаб бериш имкониятимиз бор.

— Собиржон ака, маълумки, ҳар йили янги ўқув йили олдидан ташкил этиладиган «Мактаб бозорлари»нинг тўкинлигини таъмин этишда ҳам сизларнинг ҳиссаларингиз беқиёс. Бу ҳиссани айни кунларда ташкил этилаётган навбатдаги «Мактаб бозорлари»да ҳам кўришимиз мумкинми?

— Албатта. «Мактаб бозорлари»даги арзонлаштирилган, имтиёзли нархларда ва мактаб учун, ўқувчи учун зарур бўладиган ашёларнинг ҳамма тури мавжудлигида бизнинг ҳам камтарона ҳиссамиз бор, деб ўйлайман. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, «Мактаб бозори» — биз учун муҳим мавсум. Бу мавсум олдидан биз пухта тараддуд кўрамиз. Икки-уч ой давомида мол йиғиб, уни республикамизнинг, имкон қадар, барча ҳудудларига тарқатишга ҳаракат қиламиз. Энг муҳими, бу ашёлардан фойда кўзламаймиз. Уларга қўйиладиган устама нархлар кўрсатилаётган хизмат қопланадиган даражада белгиланади, холос.

— «Маданий моллари» ҳиссадорлик жамиятида хизмат қилаётган ходимлар қандай имтиёз ва ғамхўрликларга эга?

— Ходимларимизга барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ишлаш ва яшаш шароитини енгиллатиш биз доимий ўйлайдиган масалалардан. Ўйлайманки, маошларнинг вақтида берилиши, шу ерда тайёрланадиган арзон нархдаги овқат, ўзлари ва болалари учун касаба уюшмамиз томонидан ажратиладиган лагерь ва дам олиш уйларига йўлланмалар... ходимларимизга кўрсатилаётган эътибордир. Бундан ташқари, ҳар бир ходимимиз — акция эгаси. Уларга тўланаётган дивиденд ҳам ходимларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ёрдам бераётир.

— Жамият аъзоларининг келгуси режалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Келгуси режаларимиз улкан. Кўпгина чет давлатлар ишбилармонлари билан қўшма корхона очган ҳолда ҳозирча четдан келтирилаётган, лекин ўзимизда тайёрлаб, халққа етказиб бериш имконияти мавжуд бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бундан ташқари, халқимиз учун керакли бўлган маҳсулотларни тез, арзон ва сифатли тарзда етказиб бериш, бир ёқадан бош чиқариб эл-юрт хизматида бўлиш — барчамизнинг доимий ниятимиздир.

Суҳбатдош Икром БЎРИБОЕВ.

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Бу кундай аён ҳақиқат. Лекин вақтнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у кишиларнинг нечоғлик уддабурон эканликларини ҳам кўрсатиб беради. Яъни, бир вақтнинг ўзида ким қанча ишни уддалайди?

Айни кунларда халқ таълими тизимига қарашли муассасаларда ҳам вақт ўзининг ушбу жиҳати билан намоён бўлмоқда. Янги ўқув йилига саноқли кунлар қолди. Унга қадар ўқув муассасалари бошдан-оёқ шай қилиб қўйилмоғи керак. Албатта, бу озмунча иш эмас, лекин фурсат ҳам шунга яраша. Хўш, ким нимага улгурди? Қайси жамоа ўз масканларини тахт қилиб қўйдию қайси жамоанинг ишларида камчиликлар бор, уларни тезликда тугатиш учун нималар қилиш керак?

Халқ таълими вазирлиги қошида таълим муассасаларининг янги ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарлигини назорат қилиш бўйича тузилган штаб текшируви томонидан ўтказилаётган рейдларда ҳам асосан шу масала кўрилмоқда. Рейд натижалари бир-бирига ўхшаш манзарадан — таълим муассасаларининг янги ўқув йилига ва кузги-қишки мавсумга деярли тайёр ҳолатидан (айримлари бундан истисно, албатта) дарак беради. Бу ҳолни белгиланган фурсатнинг жуда оз қолганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Штаб раиси, халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов етакчилигида ўтказилаётган навбатдаги рейд республика экология ва табиатшунослар марказидан бошланди. Марказ ҳудудининг озодалиги, тозаланганлиги рейд аъзоларини хушнуд этди. Бироқ марказда янги ўқув йилига ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ҳали тугалланмаган. Қилиниши лозим бўлган ишлар бир талай. Рейд давомида уларни тезликда ҳал қилиш чоралари кўриб чиқилди.

Рейд аъзоларининг сафари республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказида давом этди. Бу ерда ҳам қилинган ва қилинмаган ишлар кўриб чиқилди. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу марказ аъзолари янги ўқув йили ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўрар экан, бу ишни асосан ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширмоқдалар. Лекин, марказ аъзоларининг хотиржам бўлишларига ҳали эрта — таъмирини кутиб ётган бинонинг анчагина қисми уларни шошилишга ундаб турибди.

Тошкент ҳарбий лицейида «ғалвирни сувдан кўтариб» кўраркан, рейд аъзоларининг кўнгиллари ёришиб кетди. Ҳамма томон саранжом-сариштa. Лицей янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилган. Лицей директори Собир Аҳроровнинг айтишича, ҳар йили 10 июнгача таъмирни тугатиш улар учун одатга айланиб қолган. Энди улар учун биргина иш — ўз талабаларини очиқ юз билан кутиб олиш қолган, холос.

И. БЎРИБОЕВ.

1997—98 ўқув йили учун мактаб бозорларини ўтказишда вилоятларда хизмат кўрсатувчи савдо ташкилотларининг мактабларга бириктирилган

РЎЙХАТИ

Тартиб рақами	ВИЛОЯТЛАР	Хизмат кўрсатувчи савдо ташкилотининг номи	Мактаб рақами	Бириктирилган мактаблар рақами
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри	«Маданий моллар» жамоа корхонаси	31	15, 29, 2, 24, 18, 10, 6, 26
		«Универмаг» ҳиссадорлик жамияти	25	20, 16, 13, 3, 30, 14
			34	19, 35, 36, 38, 27, 17, 33, 22, 7, 23.
			32	11, 4, 3, 5, 9, 12, 8, 21, 28, 40, 1, 37.
2.	Андижон шаҳри	«Тож-Маҳал» хусусий дўкони	3	4, 17, 18, 21, 38, 39, 44
		«Болалар дунёси» жамоа корхона	5	27, 33, 45, 16, 48, 36
		«Андижон-Турон» хусусий корхонаси	30	2-гимназия, 22, 24, 15, 25, 26, 40
			37	6, 7, 1, 2, 12, 31, 47
			50	43, 41, 11, 1-гимназия, 9, 28
			14	10, 32, 34, 23
3.	Бухоро шаҳри	«КИМ» савдо уйи	7	16,. 20, 25
			4	1, 5, 2, 36
		«МУМ» жамоа корхонаси	23	21, 19, 17
			34	8, 30, 32
			24	26, 27
			13	31, 35
			18	22, 28, 11
			15	3, 6, 9, 10
			14	33, 29
4.	Жиззах шаҳри	«Наврўз» супермарк.	ШХТБ	6, 9, 10, 16, 19, 15, 22
		«Богдан» ҳиссадорлик жам.	25	8, 11, 14, 18, 25
		«Нур» ҳиссадорлик жамияти	7	7, 12, 13, 17
		«Учқун» ҳиссадорлик жам.	21	4, 5, 21
		«Кайташ» ҳиссадорлик жам.	1	1, 3, 23, 24, 20
5.	Навоий шаҳри	34-дўкон	8	16, 4, 1, 3, 9
		«Бизнес-центр» фирмаси	12	11, 17, 9, 7
		«Бахмал» фирмаси	13	18, 6, 19, 5
6.	Наманган шаҳри	«Истиқлол» жамоа корхонаси	27	17, 37, 22, 29
		«Бахт» жамоа корхонаси	43	8, 11, 28
			2	55, 39, 60, 34
			51	41, 25, 3, 20, 28, 21
			31	13, 409, 45, 17, 4
7.	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри	«Карвон» ҳиссадорлик жам.	3	4, 2, Турк лицей
			6	7, 1, 5, 14
		«Темирйўлчи» ЖК	9	8, 11, 93, 15
			13	10, 12
8.	Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани	«Болалар дунёси» жамоа корхонаси	10	20, 137, 19, 65, 115, 42, 76, 59
			41	102, 132, 92, 39, 169,
		«Нодира» жамоа корхонаси	84	13, 85, 95, 82, 157, 45, 34, 180
		«Иброҳим» жамоа корхонаси	40	38, 141, 186, 192, 136, 167
		«Болалар дунёси» жамоа корхонаси	276	262, 299
	Ҳамза тумани	МУМ «Ҳамза»	77	61, 153, 151, 149, 226, 67, 198, 230, 227
		«Наргиз» ЖК	255	282, 152, 307, 69
		«Ҳожиакбар» ЖК		161, 52, 204, 244
		«Туронгул» ЖК		166
	Бектемир тумани	24-магазин	293	289, 292, 291
	Юнусобод тумани	МУМ» Юнусобод»	9	5, 17, 80, 43, 51, 88, 105, 239, 98, 70
		«Шаҳодат» ЖК	235	220, 21, 86, 259, 265, 271, 302, 240, 87
		МУМ «Юнусобод» ЖК	273	97, 247, 83, 12, 246, 250, 122, 288, 258, 253, 257
		«Шаҳодат» ЖК	63	272, 150, 143, 98, 274, 58
	Чилонзор тумани	МУМ «Чилонзор» ЖК	райОНО	103, 168, 183, 162, 138, 131, 66, 90, 183, 184, 280
		МУМ «Чилонзор» ЖК	280	126, 281, 270, 4-интернат
	Миробод тумани	ТашМУМ	110	93, 94, 60, 40, 37
		«Ҳабибулло Ҳамидулло ўғли» жамоа корхонаси		
		«Болалар дунёси» ЖК		
		«Ўлмасбек» ЖК	294	57, 175, 158, 154, 68, 53, 147
		«Самиғжон» ЖК		
		МУМ «Сиргали» ЖК	263	125, 31, 218, 213, 214
	Мирзо Улуғбек тумани	«Даврон-Достон» ЖК	71	18, 50, 55, 64, 99
		«Либос» ЖК		104, 142, 148, 171, 225, 241
		«Маҳмуд» ЖК	211	35, 120, 207, 210, 248, 256, 279, 54, 286
		«Умид» ЖК	208	112, 121, 209, 222, 275, 308. 105-инт.
	Яккасарой тумани	«Саодат» жамоа корхонаси	118	25, 72, 73, 89, 91, 135, 160
		«Саодат» ЖК	172	26, 100, 144, 176
		«Саодат» ЖК	127	48, 319
	Акмал Икромов тумани	«Шуҳрат ЖК	4	81, 106, 109, 116, 75, 123, 124, 128, 177, 236, 245
		МУМ «Чилонзор» жамоа корхонаси	107	78, 199, 287, 283, 44, 229, 62, 74, 194, 189, 238, 228
		«Яшнар» ЖК	297	193, 197, 14, 204, 295, 296, 306, 251
	Собир Раҳимов тумани	«Болалар дунёси» жамоа корхонаси	24	36, 146, 222, 310, 23, 28, 159, 16, 133, 233, 185
		«Фатҳулла ўғли Беҳзод» ЖК	196	191, 219, 234, 15, 134, 242, 249, 1, 11, 244, 46, 298, 111
		«Болалар дунёси» жамоа корхонаси	243	249, 29, 278, 261
9.	Фарғона шаҳри	«Наврўз» ЖК	1	2, 19, 14
		«Шинам» ЖК	11	13, 5, 15, 7, 34
		«Латофат» ЖК	1-лицей	9, 10, 35, 25
			30	3, 39
10.	Хоразм вилояти Ургенч шаҳри	«Ал-Хоразмий» ҳисс. жамияти	1	3, 10, 21, 20, 2, 7, 13, 8
		«Саноат моллари» жамоа кор.	12	11, 9, 17, 18
			14	21, 22, 19, 8-лицей
11.	Самарқанд шаҳри	«Афросиёб» ҳиссадорлик жамияти	21	10, 6, 362, 11
		«Баҳор» ҳисс. жамияти	45	37, 33, 32, 8, 35, 17
		«Фарҳод ва Ширин» ҳиссадорлик жамияти	14	29, 18, 63, 50, 64
		«Ориён» хусусий фирмаси		
		«Болалар дунёси» чекланган жамият		
12.	Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри	«Чирчиқшаҳарсавдо» ҳиссадорлик жамияти	2	8, 9, 10, 3, 15
			14	1, 12, 22, 13, 18, 25, 11, 16, 21
			17	4, 5, 6, 26, 60
			24	7, 10, 19
	Ангрен шаҳри	«Ангренсавдо» ҳиссадорлик жамияти	8	22, 34, 9, 12, 5
			4	7, 18, 21, 29, 34
			10	16, 37, 38
			13	661, 428, 27, УУТ лицейлари учун
			17	25, 26, 36
			15	3, 11, 16, 19, 31, 32, 39
	Янгийўл шаҳри	«Семург» ҳиссадорлик жамияти	5	1, 4, 13
			6	2, 10, 15
			12	3, 8, 16
13.	Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри	«Турон» ҳиссадорлик жамияти	12	13, 12, 14
			6	6, 11, 15-лицей
		«Янгиерсавдо» ҳиссадорлик жамияти	8	5, 7, 9, 8-гимназия
			16	16, 2
		«Ширин» савдо фирмаси		
14.	Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри	«МУМ» жамоа фирмаси	1	2, 3, 13, 27, 28, 29, 30, 32
		«Универсам» фирмаси	5	9, 10, 14, 15, 19. 35, 11, 26, 23, 34, 25
		«Болалар дунёси» фирмаси	7	36, 32, 17, 18, 40, 8, 4, 21, 31, 38
			12	43, 24, 16, 6, 20, 22, 33, 39

ЯПОНИЯ ОЛИЙ ТАЪЛИМИ

Японияда олий таълим университет ва институтлар томонидан (уларнинг умумий номи «дайгаку») тўлиқ мактаб таълими асосида амалга оширилади. Ўқиш асосан тўрт йил, фақат медицина соҳасида 6 йил. 1990 йили 499 ўқув юртида (улардан 72,9 фоизи хусусий) 2 миллион талаба таълим олган.

Талаба бўлиш учун икки босқичли имтиҳондан ўтиш шарт. Январь ойида бўлиб ўтадиган биринчи босқичда абитуриент Олий ўқув юртларига қабул имтиҳонлари марказининг тестларини муваффақиятли топшириши керак. Ушбу марказ (University Entrance Center Examination) тестлари миллий таълим дастурига асосан тузилади, ҳамда барча давлат, жамоат, баъзи олий ўқув юртларида кириш имтиҳонидан фойдаланилади. Марказ тестлари 12 фанни қамраб олади. Токио университетида абитуриент унинг 5 фанидан, қолган жойларда 2 ёки ундан ортиқ фанидан тест ечади. Иккинчи босқичда талабгор ҳар бир университет томонидан ўқув даргоҳининг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб тузилган имтиҳонидан ўтади. Бу имтиҳон талабгорнинг айнан ана шу университетда ўқишга бўлган қобилиятини аниқлашга қаратилган. Уларнинг мазмуни ва хусусияти бир университет доирасида йўналиш ёки факультетга қараб ўзгариши мумкин. Олий ўқув юртлари ҳам жамиятда ўз ўрни ва обрўсига эга. Масалан, Токио университетининг имтиҳонларини аҳоли ҳар томонлама шаклланган кучли билим мезони сифатида қабул қилади. Миллий ўқув даргоҳларида хусусийларига нисбатан ўқишга бўлган рақобат жуда кучли.

Қўшма Штатлардан фарқ қилиб, Японияда икки ўқув даргоҳига ариза топширишнинг имкони йўқ, чунки барча олий ўқув юртларида имтиҳонлар бир кунда ва йилига икки бор бўлиб ўтади. Хусусий ва жамоат университетларида имтиҳонлар бошқа кунларга белгилаб қўйилади. Уларга ҳатто тестсиз, мактабдаги ўзлаштириш даражаси ҳамда тавсияномa билан ҳам қабул қилишлари мумкин.

Ўқишга киролмаган талабгорлар янаги йилларда қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқига эга. Ҳақиқатан кўпчилик шундай қилади ҳам. Баъзилар ҳатто мактабдан кейинги бир-икки йилни тайёргарликка кетказиб юборадилар. Буларни бадиий тил билан айтганда «Устоз кўрмаган дарбадар самурай» деб ҳам қўйишади. Улар учун, «йобико» деб аталувчи махсус компаниялар бўлиб, уларнинг мақсади абитуриентни унинг ҳоҳишига қараб бирор йўналишда маълум бир ўқув даргоҳи имтиҳонларига тайёрлашдан иборат. Компания турли воситалардан фойдаланади ва натижада, имтиҳонларда катта фойда беради. Ҳар йили Токио университетига қабул қилинаётган талабаларнинг тахминан 50 фоизи ана шундай «қайта уриниб кўрганлар»дир. Бунга сабаб Токио университетининг зўрлар ичидан зўрларни танлаб олишга бўлган талабидир.

Япония таълим вазирлиги қошида махсус марказ — Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари миллий маркази ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси барча миллий, жамоат ёки хусусий университет ва институтларда қўлланувчи тестларни такомиллаштириш ҳамда бутун жараённи бошқаришдан иборат. Марказ барча абитуриентларни ҳисобдан ўтказади, кейинроқ билим даражаларига кўра гуруҳларга бўлиб чиқади. Марказнинг тестлари 20 га яқин соҳа мутахассисларини ўз ичига олувчи қўмита томонидан тузилади. Қўмита аъзолари олий ўқув юртларининг ректор, деканлари тавсиялари билан танлаб олинади. Қўмита тестлар мазмун ва мураккаблигининг миллий дастурга мос келишига ҳамда белгиланган фанларга асосланишига жавоб беради. Дарсликлар ва ўқув фанлари муаммолари билан шуғулланувчи ташкилот вакиллари ҳар йили қўмита аъзолари билан биргаликда тестларнинг мазмун ва шаклини таҳлил этиб туради.

Иккинчи босқичдаги имтиҳонлар ҳар бир университет томонидан мустақил ишлаб чиқилади. Масалан, Токио университетида уларни турли факультетнинг ўқув предметлари билан шуғулланувчи ва бошқа соҳа профессорларидан иборат қўмита тузади. Шундай қилиб, ҳар бир саволга миллий дастур ва таълимни тўлиқ билиш орқали ижобий жавоб бериш мумкин. Шунда бўлса-да, бу имтиҳонлар кучли мулоҳаза ва мушоҳадани ҳам талаб қилади. Ана шунда турли чалғитувчи мураккабликларни ҳам ҳал этса бўлади. Барча тестлар Токио университети профессорлари томонидан баҳоланади.

Интернет асосида Ойбек ҲАКИМОВ тайёрлади.

Fizika o'qituvchilariga yordam

КОИНОТДА АНТИМОДДА МАВЖУДМИ?

Маълумки, модданинг атоми мусбат зарядланган оғир ядродан ва нормал ҳолатда унинг атрофида айланувчи манфий зарядланган бир ёки бир неча енгил электрондан иборат. Атомлар ичида энг соддаси водород атоми бўлиб, у фақат биргина протонли ядрога эга.

Даставвал, модданинг икки элементар «ғиштча», протон ва электронлардан иборат эканлиги аниқланган эди; биринчиси оғирроқ, мусбат зарядланган. Кейинчалик протоннинг ўхшаши бўлган нейтрон аниқланди. Мусбат ва манфий электр зарядлари орасида тўла симметрия мавжуд. Нима учун манфий заряд элтувчилари енгил зарралар, мусбат заряд элтувчилари оғир зарралар бўлади? Бу ҳол дунё симметрияси тузилишини англатмасмикин? Элементар зарралар дунёсида бундай симметриянинг бўлишини талаб қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ деб эътироз билдириш мумкин. Бу талаб маълум миқдорда эстетик характерга эга; агар элементар «ғиштча» заряд ёки масса жиҳатидан симметрик бўлса, дунё математик ёки фалсафий маънода «янада гўзалроқ» бўлади. Аммо, агар атом физикаси элементар «ғиштча» симметрик эмас деб айтса, тажриба фактлари симметриянинг эстетик ёки фалсафий талабларига қарама-қарши демакдир. Бу ҳолда ундан воз кечиш лозим бўлади. Симметрия тарафини олувчи янги фактлар пайдо бўлгандагина, ундан воз кечиш керак бўлади. Ана шундай фактлар тез орада пайдо бўлди. Яъни мусбат зарядланган зарра электрон хоссаларини қониқарли равишда баён қилган янги назария «антиэлектрон», яъни мусбат зарядли электрон мавжудлигини талаб этар эди. 1932 йилда бундай заррача топилди ва позитрон деб аталади.

Позитронни жуда қисқа тўлқинли гамма нурланишдан олиш мумкин, бу нурланиш маълум шароитда «материаллашиб, электрон ва позитронга айланди. Бундай «эгизаклар» гамма нурларни ташкил этувчи фотондар (ёруғлик квантлари) ҳеч бўлмаганда электрон ва позитрон массалари йиғиндисига мос бўлган энергияга эга бўлгандагина «туғилади». Фотонлар электр жиҳатдан нейтрал, агар манфий зарядланган электрон ва мусбат зарядланган позитрон ҳосил бўлса, у ҳолда тўла электр заряд ўзгармасдан, нолга тенглигича қолади. Шундай қилиб, электрон-позитрон жуфти ҳосил бўлганда, кутилганидек, массанинг (энергиянинг) ва электр зарядининг сақланиш қонунлари бажарилади.

Жуфтлар ҳосил бўлишига тескари процесс ҳам учрайди. Агар электрон позитрон билан тўқнашса, бир-бирини «йўқотади» — аннигиляцияланади. Бу ҳолда электроннинг манфий заряди позитроннинг мусбат зарядини нейтраллайди, уларнинг энергияси гамма нурланишга ўтади. Бу ҳолда тўла энергия электрон ва позитрон массаларининг йиғиндисига мос бўлган энергия, шунингдек, уларнинг ҳаракат энергиясидан иборат бўлади.

Позитроннинг топилиши элементар заррачалар симметриясига бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Модомики, электроннинг мусбат зарядланган аналоги (антиэлектрон) мавжуд экан, протоннинг ҳам ўз аналоги — антипротони, яъни массаси протон массасига тенг, аммо манфий зарядли зарра мавжудлиги табиийдир. Протон массаси электрон массасидан 1840 марта ортиқ бўлгани сабабли протон антипротон жуфти ҳосил бўлиши учун кўп марта ортиқ энергия талаб этилади. Демак, антипротон ҳосил қилиш учун зарра энергияси бир неча миллиард электронвольтни ташкил этиши лозим.

Антипротоннинг мавжудлиги ҳақидаги дастлабки ишончли далил 1955 йили Беркли (АҚШ) шаҳрида катта тезлатгич ишга туширилганда олинди. 6,2 миллиард электровольт энергиягача тезлатилган протон дастаси мис фольга — нишонни бомбардимон қилди. Бу ҳолда, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, электрон-позитрон жуфти қандай ҳосил бўлган бўлса, шундай протон-антипротон жуфти ҳосил бўлди. Вакуумда антипротон бошқа зарра билан тўқнашмагани учун унинг яшаш вақти чексиз. Аммо, агар антипротон моддада ҳаракат қилса, у тезда атом ядролари составига кирувчи протон билан тўқнашиб, аннигиляция рўй беради. Аммо бу процесс электрон-позитргн аннигиляциясига нисбатан мураккаброқдир.

Протонда нейтрал аналог (нейтрон) бўлганидек, антипротоннинг ҳам нейтрал аналоги (антинейтрон) мавжуд. Антинейтрон ҳам худди нейтрон хоссаларига эга бўлиб, нейтрон антинейтрон билан аннигуляцияланади.

Антипротоннинг топилишидан олимлар тааджжубда қолмай, балки қаноат ҳосил қилдилар: элементар зарралар симметрияси тажриба асосида тасдиқланди. Демак, электрон ҳам, протон ҳам фақат электр заряд билан фарқ қилувчи ўзига ўхшаш «эгизак ука»ларга эга эканлар.

Антипротон топилгунга қадар қатор янги элементар зарралар аниқланган эди, ҳозирда бундай зарралар сони ортиб бормоқда. Мезон ва гиперонлар деб ном олган бу зарралар электрон ва позитрон ёки протон ва антипротон каби жуфт-жуфт бўлиб ҳосил бўлади. Шундай қилиб, зарра ва антизарралар орасидаги тўла симметрия элементар зарралар физикасининг асосий қонунидир. Бу зарралар жуда қисқа вақт яшайдилар. Улар ҳосил бўлганидан сўнг секунднинг миллиондан бир қисмига тенг вақт ўтиши билан (баъзида ундан ҳам тезроқ) ўз-ўзидан емириладилар, шунинг учун улар модда таркибига кирмайдилар, аммо протон антипротон аннигиляция процессида муҳим роль ўйнайди. Агар антипротон протон билан тўқнашса, бир неча мезон ҳосил бўлади. Қисқа вақт ичида у ўз-ўзидан емирилиб, бошқа турдаги мезонга айланади, у эса, ўз навбатида, электрон ва позитронга айланади. Бундан ташқари емирилиш процессида фотон ва нейтрино нурланади. Ниҳоят протон-антипротон аннигиляцияси натижасида бир ёки икки электрон, ўшанча миқдорда позитрон гамма-квантлар ва нейтрино ҳосил бўлади. Агар электрон билан позитрон тўқнашса, гамма-квантни нурлаган ҳолда аннигиляция рўй беради.

Раҳимжон БЕКЖОНОВ,
Ўзбекистон ҳамда АҚШ Нью—Йорк Фанлар академиялари академиги.

(Давоми бор).

«АФРОСИЁБ»ДА ТАДБИР

Яқинда Самарқанд шаҳрининг «Афросиёб» мажмуасида таълим ислоҳоти йўлида яна бир тадбир бўлиб ўтди. Яъни бу ерда ўрта махсус ўқув юртлари ходимларининг «Ҳозирги замон ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги IV республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев табрик сўзи билан очар экан ўз нутқида: «Халқ таълимини ривожлантирмай туриб бошқа соҳани ривожлантириб бўлмайди», — дея алоҳида таъкидлади.

— Республикамиз ижтимоий-маданий ҳаётида вилоят ўз ўрни, салоҳиятига эга. Ҳозирда вилоятда 6 та олий ўқув юрти, 20 та техникум ва билим юрти, 30 дан ортиқроқ лицей ва гимназиялар мавжуд.

Шундай экан, ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳам вилоятнинг мавқеи сезиларли бўлиши шарт, — деди А. Мардиев ўз нутқини тугатар экан.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов миллий кадрлар тайёрлашда мазкур ўқув юртлари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида гапирди.

Касаба уюшмалари ва уларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида малакали мутахассислар тайёрлашдаги роли ҳақида республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раиси И. Абдуганиев атрофлича маълумот берди. Шунингдек, у уюшма амалга ошираётган турли тадбирлар тўғрисида ҳам тўхталди.

Конференцияда ўқув юртларида ҳуқуқий тарбияни, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, республикада мутахассислар тайёрлаш бўйича миллий дастур лойиҳасидан келиб чиқадиган ўрта махсус педагогик таълимнинг вазифалари тўғрисида ва шу каби долзарб муаммолар тўғрисида ҳам қизғин мунозаралар бўлиб ўтди.

Эшмирза МАҲМУДОВ.

Reportaj

СУЗИШ ҲАВЗАСИ ИККИНЧИ ҚАВАТДА

Мустақиллигимиз шарофати билан кейинги вақтларда мамлакатимизда қатор янги иншоотлар барпо этилмоқда. Улар узининг савлат-салобати, чирою-кўрки билан озод юртимиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Қаерга қараманг, замонавий лойиҳа асосида бўй чўзаётган осмонўпар биноларга кўзингиз тушади.

Яқинда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида янги бассейн ишга тушармиш, деган хушхабар тарқалиб қолди. Биз буни эшитиб, тафсилотларни билиш мақсадида шу томонга шошилдик. Тумандаги 100-махсус интернат биносига тақаб солинган уч қаватли, ўзига хос услубда қурилган фусункор бино киши эътиборини ўзига тортади. Унинг ички хоналари билан танишиб чиқамиз. Мана, бу кенгтина спорт зали, буниси эса шуғулланиш хонаси, энг асосийси ҳув анави катта-кичик бассейнлардир. Узунлиги 25 метрни ташкил этадиган катта ҳовуз хориждан келтирилган қимматбаҳо кафел тошлари билан қопланган. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, ҳовуз иккинчи қават юқорисида, энг замонавий лойиҳа асосида қурилган бўлиб, ўзида 500 тонна ҳажмида сув сигдира олади. У бир кунда 384 нафар йигит-қизни ўз бағрига олиш имкониятига эга. Узунлиги 9 метрни ташкил этувчи кичик ҳовуз эса бир кунда 120 нафар боғча болаларини ўз қучоғида бемалол яйратади.

Бино буюртмачиси Тошкент шаҳар ҳокимият давлат капитал қурилиш бош бошқармаси, бажарувчи эса пойтахтдаги 159-қурилиш трестига қарашли 22-қурилиш бошқармаси ҳисобланади.

— Мазкур йирик бассейнни 100-махсус интернат ёнида қуришимиздан мақсад, энг аввало, шу ердаги 120 нафардан иборат бўлган ногирон ўғил-қизларни, шунингдек тумандаги 106, 102-махсус интернатлар ва 36-махсус мактабда тарбияланаётган ёшларни сув спортига жалб этиш, уларнинг янада соғлом бўлишларини таъминлашдан иборат эди. Мен мазкур қурилишда бош-қош бўлган 159-қурилиш трестининг бошлиғи Зак Виталий жанобларига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчи эдим, — дейди биз билан суҳбатда Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими жисмоний тарбия услубчиси Шавкат Исроилов.

Биз болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлганимизда, унинг директори Эмма Мусаевани учрата олмадик. Сабаби, янги директор янги қувончли ташвишлар билан елиб юрган экан. Сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётган сув ҳавзасида 1 сентябрь — Узбекистон Республикаси Мустақиллик байрамидан бошлаб 8 нафар мураббий ва 2 нафар инструктор иш бошлайди. Бу ерда бир кун мобайнида жами 500 дан зиёд халқимиз фарзандлари сув спорти билан шуғулланади.

Иқтисодий қийинчиликлар даври бўлишига қарамасдан, ҳукуматимиз ёшларга шу қадар ғамхўрлик кўрсатиб, янги бассейн қуриб берган экан, энди уларни ўз навбатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя эта оладиган, дунёда донги кетган кучли спортчи бўлиб етишмоқлари лозим. Зеро, бу уларнинг ватан олдидаги фарзандлик бурчларидир.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.
Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



Xullas...

ФРАНЦИЯЛИК «МЎРИ»ЛАР

Франциянинг «истеъдодли»лари яна иккитага кўпаядиган бўлди. Сабаби, яқинда трубкада чекувчиларнинг Овруппо биринчилиги бўлиб, унда Якоб Херрен ҳамда 76 ёшли Эльвира Вейль хоним биринчи ўринни эгаллашди.

Қоидага кўра, чемпионатнинг ҳар бир қатнашчисига 3 граммдан тамаки берилиб, кимки, уни узоқ вақт чекса, ғолиб саналиши айтилди. Шундай қилиб, Якоб деганлари 3 грамм тамакини 2 соату 52 дақиқа мобайнида сўрғичдек сўриб ғолиб бўлган бўлса, мусобақанинг тез чекиш шартида Эльвира момо байроқни олиб кетди. У 3 грамм мохоркани атиги 59 сонияда чекиб тугатди.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ... СОМСА!!!

Африканинг Норвуд шаҳрида яшовчи Ранда исмли аёл бизнинг Отчопардаги сомсачиларимизни «синдирмоқчи» бўлди, шекилли. Чунки у тезликда мазали ҳамда энг оғир сомса тайёрлади. Ахир 9 килолик сомсани тайёрлашнинг ўзи бўладими?

Энди сомса мутахассисларининг фикрини билмадигу бизнингча Ранда хоним тайёрлаган сомсанинг устига чиқиб ейилса керак.

ШЎРЛИККИНА ЎҒРИЛАР

Нижний Новгород шаҳрида тез-тез учраб турадиган ўғриликнинг бу галгиси бир оз ғалатироқ бўлди. Яъни нуфузли идоралардан бирининг пул тўла цейфи ўмариб кетилди. Бир ҳафта мобайнидаги узлуксиз қидирув қизил шапкаларнинг тинка-мадорини қуритди. Бироқ саккизинчи куни қидирув бошқармасига кириб келган қоровул Мужков бобо бу «ўйин»га интиҳо ясади. Бобонинг айтишича, цейф шу атрофдаги ахлатхонада ётган эмиш. Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Аниқланишича, шўрлик ўғрилар темир хазинани очишолмай ахлатхонага ташлаб кетишган экан.

...ana shunaqa gaplar

1997 yil — Inson manfaatlari yili

«ТЕР ТЎКИБ СОЧСАНГ УРУҒ...»

«Олма пиш, оғзимга туш» деганча осмонга қараб ётадиган замонлар ортда қолди. Улуғ истиқлол ҳамма жабҳаларда халқимизни боқимандалик ботқоғидан яратувчанлик ва ижодкорлик оламига олиб чиқди. Буни Шаҳрисабз туманининг сулим Чоршанба қўрғонида жойлашган Шаҳрисабз касб-ҳунар лицейи жамоаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жамоа аъзолари ўтган йилнинг кузида 20 гектарлик лалмикор майдонга яхши ният билан буғдой уруғини сепишганди. «Тер тўкиб сочсанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ» ҳикмати топиб айтилган ҳақ гап. Дарҳақиқат, жамоа аъзоларининг тер тўкиб қилган меҳнатлари бесамар кетмади, майдондан мўлкўл ҳосил олинди. Ҳар гектар лалмикор майдондан ўртача ҳисобда 13 центнердан ошириб сара буғдой олинди.

Жорий йилимиз «Инсон манфаатлари йили» деб аталади. Бу улуғ атама ҳаётдаги ҳар бир жабҳада ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоғи керак. Касб-ҳунар лицейи маъмурияти ҳам худди ана шунга мос иш тутди. Шаҳрисабз касб-ҳунар лицейида меҳнат қилаётган муаллим ва ишлаб чиқариш таълими устаоларидан тортиб, ишлаб турган барча ходимларгача, шу касб мактабида ишлаган ва бугун кексалик ғаштини сураётган фахрийларгача, хуллас, ҳаммаси бўлиб 135 нафар кишига роппа-роса бир центнердан буғдой улашилди. Аъзоларга берилган буғдойнинг нархи ҳам бозор нархларидан анча арзон, ҳар бир килоси атиги 15 сўм бўлди.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат» мухбири.

Ko'ngil bitiklari

Муҳиддин ОМОН

ТУНГИ ТАЗАРРУ

Менда нима гуноҳ,
Самодаги Моҳ
Агар Сенга мафтун боқса кечалар...

Менда нима гуноҳ,
Этмай иштибоҳ,
Инонсам гар Сени Шамс атасалар...

Менда нима гуноҳ,
Агарки, Аллоҳ
Сени Масиҳ каби жонбахш яратса...

Менда нима гуноҳ,
Борлиқ сим-сиёҳ
Рутубат қўйнида ғуссага ботса...

Менда нима гуноҳ,
Дил мисли гиёҳ,
Талпинса Сен томон, меҳрингдан тотса...
Минг йиллик ҳасратдан, мангу ғафлатдан,
Ногаҳон бир зиё Мени уйғотса...

Менда нима гуноҳ,
Нима гуноҳ-а?!
Сен каби Илоҳа, Мандек гумроҳа
Лутф этса, васлидан баҳраманд этса...

Менда нима гуноҳ, не гуноҳ, эвоҳ,
Менда нима гуноҳ, не гуноҳ, эй, Моҳ!

ЎЗГАЧА БУ ОҚШОМ

Ложувард денгизнинг асов тўлқини,
Қаҳрабо соҳилни ювгани каби,
Ёхуд қаро тунда чақмоқ ёлқини
Зулматни бир лаҳза қувгани каби,
Ҳиссиз вужудимни этганча масрур,
Кўнглимга қуйилар аллақандай нур...
Билмайман...
Қай ҳиснинг соҳир зиёси
Тийра хаёлларим қилди нурафрўз,
Билмайман...
Қай туйғу меҳригиёси
Заҳил қаҳратоним айлади наврўз!
Бу — балки, муҳаббат — кўзлари чўлпон?!
Бу — балки, висолдир,
Бу — балки, армон?!
Билмадим...
Ҳар ҳолда ўзга бу оқшом,
Нечундир талпинар юрак беором.
Ўзгадир бу оқшом,
Ўзгача оқшом...

* * *

Бир бора келурмиз дунёга, дилбар,
Бир бора тириклик — дилларга инъом.
Кетмоқ ҳам келмоқдек бешак, муқаррар,
Бу ҳаёт — лиммо-лим шароб тўла жом!

Ажабки, турлидур майлар, бўзалар,
Кимники ашки ноб, кимники-ширин.
Турлидур қадаҳлар, соғар, кўзалар,
Шул маҳфил ортига умр яширин.

Бироқ, Сен нолима, бўлма ношукур,
Аччиқ бўлса шароб, тахир бўлса май,
Тонгни қаршиладинг — Худога шукур,
Юлдузларни кўрдинг—қадаҳ тугамай.

Фақат бир нарсани сўра Тангридан,
Нур каби орзулар берсин серфараҳ,
Бутун бўлсин доим ризқу насибанг,
Шаробинг тугамай синмасин қадаҳ...

Бир бора келурмиз дунёга дилбар,
Бир бора тириклик—дилларга инъом.
Кетмоқ ҳам келмоқдек бешак, муқаррар,
Бу ҳаёт—лиммо-лим шароб тўла жом...

Sport

ҒАЛАБА НАШИДАСИ УЙИНГДА ТОТЛИ

Фарғонада 9 август куни «Нефтчи» жамоаси Осиё кубок эгалари кубогининг дастлабки учрашувини Туркманистоннинг «Копетдоғ» командаси билан ўтказди. Ниҳоятда қизиқарли ўтган беллашувда фарғоналиклар рақиб жамоаси устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпларни Сергей Лебедев, Рустам Дўрмонов, Равшан Маталиевлар киритишди. Такрорий ўйин эса 15 августда Туркманистонда бўлиб ўтади.

ЭНГ ИРОДАЛИ СУЗУВЧИ

Машҳур америкалик сузувчи қиз Гэйл Мириам Хьюзнинг номи бугунги кунда барчага яхши таниш бўлиб қолди. Негаки у Кичик Диомид оролидан (АҚШ) Россиянинг Ратманова оролигача сузиб ўтиб, қийинчилик билан бўлса-да, Беринг бўғозини забт этди.

ШОҲСУПАДА «НАВБАҲОР»

Яқинда Жиззах вилояти марказида мактабгача тарбия муассасалари ўртасида «Соғломжон-полвонжон» деб номланган VI спартакиада бўлиб ўтди. Қизиқарли ўтган беллашувда Жиззах шаҳридаги «Навбаҳор» болалар боғчаси кичкинтойлари фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

СУРХОН ЯНА ЧОРЛАЙДИ

Маълумки, шу йилнинг 15—16 август кунлари Жарқўрғондаги марказий «Пахтакор» ўйингоҳида марҳум полвон Тоҳир Дурдиев хотира соврини учун миллий кураш бўйича мусобақа ўтказилади. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан келган донгдор курашчилар иштирок этишади.

СЕНИ УНУТМАЙМИЗ, «ПАХТАКОР»!

Маълумки, бундан 18 йил муқаддам, 11 август куни 8400 метр баландликда учиб кетаётган самолёт Днепрозержинск осмонида ҳалокатга учраб ёниб кеттанди. Ушбу самолётда миллионлаб футбол ишқибозларининг энг севимли жамоасига айланган пахтакорчилар ҳам бор эди. Мана, ўша машъум фожиа юз берганига ҳам 18 йил бўлди. Орадан шунча йил ўтса ҳам 17 афсонавий футболчиларимизнинг номи қалбимиздан асло ўчмайди.

maydonchasi

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги А. Навоий номидаги Хива педагогика билим юрти директори Зарифбой Кўчқоровга отаси

Қўзибой ҚЎЧҚОРОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0524. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6